### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

355 Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш туррисида

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини халқаро стандартларга биноан такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



27 (683)-сон — 7 — 355-модда

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси ҳамда Давлат рақобат қумитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиклаштириш ва ривожлантириш маркази бир ой муддатда уз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиклаштирсинлар.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 3 июль, 180-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июлдаги 180-сон қарорига ИЛОВА

# Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўгрисидаги низомда:
  - а) 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги қирқ бешинчи хатбоши қушилсин:

«махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда суғурталовчилар ва суғурта воситачилари, лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар (банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно), лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказувчи ташкилотлар хамда аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиклайди, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда мониторинг олиб боради ва ушбу қоидаларга риоя этилишини назорат қилади»;

қирқ бешинчи хатбоши қирқ олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

«махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда суғурталовчилар ва суғурта воситачилари, лизинг хизматлари курсатувчи ташкилотлар (банклар ва бошка кредит ташкилотлари бундан мустасно), лотереялар ва тавак-



калчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказувчи ташкилотлар ҳамда аудиторлик ташкилотларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига риоя этишини текшириш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш».

2. Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат рақобат қумитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази туррисидаги низомда:

#### а) 6-бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма туртинчи хатбоши қушилсин:

«махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари учун (банклар ва суғурталовчилар бундан мустасно) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда мониторинг олиб боради ва ушбу қоидаларга риоя этилишини назорат қилади»;

йигирма туртинчи хатбоши йигирма бешинчи хатбоши деб хисоблансин;

б) 7-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

«махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг (банклар ва суғурталовчилар бундан мустасно) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларига риоя этишини текшириш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар куриш».

- 3. Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 94-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси туррисида низомда:
- а) 9-банднинг «ж» кичик бандига куйидаги мазмундаги хатбоши кушилсин: «махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда биржа аъзолари ва риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда мониторинг олиб боради ва ушбу қоидаларга риоя этилишини назорат қилади»;

### б) 11-бандда:

«махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда биржа аъзолари ва риэлторлик ташкилотларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш буйича ички назорат қоидаларига риоя этишини текшириш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар куриш»;

ўттиз еттинчи хатбоши ўттиз саккизинчи хатбоши деб хисоблансин.

